

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ВИЛОЯТ МАТБУОТ ВА АХБОРОТ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ НИЗОМИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ Агентликнинг ҳудудий бошқармаларининг (кейинчалик матнда “Бошқарма” деб юритилади) ҳуқуқий мақомини, уларнинг ташкил этиш ва фаолияти хусусияти, ижро этувчи орган сифатида ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Бошқарманинг раҳбар органлари билан муносабатларни белгилайди.

1.2. Бошқарма оммавий ахборот воситалари, ахборотлар алмашиш, матбуот, ноширлик, матбаачилик фаолияти ва даврий нашрларни тарқатиш соҳасидаги давлат сиёсатини изчил амалга оширишни таъминловчи давлат ва ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига бўйсунди.

1.3. Бошқарма Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳисоб беради.

1.4. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги, “Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Реклама тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар, қонуности ҳужжатлари ҳамда ўз Низоми асосида амалга оширади.

1.5. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Олий Мажлис Сенатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ҳайъат қарори, буйруқ ва фармойишлари, мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

1.6. Бошқарманинг давлат бошқарув органлари, ижодий уюшмалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, шунингдек, хорижий давлатларнинг тегишли ваколатхоналари билан муносабатлари тенг ҳуқуқлилик, ҳамкорлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида курилади.

1.7. Бошқарма аппаратининг тузилмаси ва ходимлар сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 августдаги 200-сонли қарорида кўрсатилган тамойиллар асосида белгиланади.

1.8. Бошқарманинг молиявий-иқтисодий ва моддий-техник таъминоти амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ОАВни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун олинган тўловлар, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги кўрсатган ёрдами, бошқарманинг амалий фаолияти билан боғлиқ

муассаса ва ташкилотларга, ОАВ таҳририятларига, нашриётлар, нодавлат-нотижорат ташкилотларга кўрсатган хизмати юзасидан тузилган шартномалар асосидаги тўловлар, ажратмалар, шунингдек, хўжалик фаолиятдан олинadиган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

1.9. Бошқарма – юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, штамплари ва бланкларига эга бўлади.

II. БОШҚАРМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Қуйидагилар бошқарманин асосий вазифалари ҳисобланади:

- оммавий ахборот воситаларининг мустақил фаолияти амалга оширишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига ва қонун ҳужжатларига, сўз ва матбуот эркинлиги кафолатларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан мониторинг олиб бориш;

- вилоят фуқароларининг ахборотларга олишга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондиришга, аҳолининг, энг аввало, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий-маърифий ва маданий савия даражасини ошириш манфаатларини кўзлаб оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

- оммавий ахборот воситаларини тарқатиш, ушбу фаолият турларини рўйхатдан ўтказиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

- маҳаллий оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, ахборот ва китоб бозорининг бошқа қатнашчилари томонидан ушбу соҳага доир амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг ҳудудий бўлими билан ҳамкорликда вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари, нашриётлар маҳсулотларининг мониторингини амалга ошириш;

- вилоят фуқаролари ва юридик шахсларнинг ахборотларни тайёрлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- тегишли давлат муассасалари билан ҳамкорликда мулкчилик шаклларида катъи назар, маҳаллий оммавий ахборот воситалари бозорида субъектларнинг тенг мавқеини таъминлаш;

- рекламалар тайёрлаш, шунингдек, уларни маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишда давлат сиёсатини амалга оширишда қатнашиш.

2.2. Бошқарма ўзига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширади:

- вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ва матбаа корхоналарининг ишини такомиллаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ бошқармада рўйхатдан ўтказилган оммавий ахборот воситаларининг қонунчилик ва ўз

Низомларига риоя қилиниши юзасидан мониторинг ўтказишда аниқланган қонунбузарликлар юзасидан муассисларга тақдимномалар киритиш, аниқланган қонунбузарликлар бартараф этилмаган ҳолларда Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш ҳамда уларга берилган гувоҳномаларни бекор қилиш бўйича судларга ариза билан муурожаат қилиш;

- матбаа корхоналарининг техникавий базасини ривожлантириш, реконструкция қилиш, ундан фойдаланиш, давлат стандартларини таъминланиши соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда катнашиш;

- ўз ваколатига кўра ҳокимиятнинг бошқа ижро органлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш;

- оммавий ахборот соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларнинг фаолиятини ривожлантириш прогнозлари ва дастурларини ишлаб чиқишда катнашиш;

- Бошқарма соҳасига тааллуқли иқтисодий, ижтимоий, техникавий, ҳуқуқий муаммоларни таҳлил қилиш ва соҳани такомиллаштириш бўйича давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалда кўллашда иштирок этиш;

- Бошқармада рўйхатдан ўтказилган ОАВ фаолиятини мувофиқлаштириб боришда муассислар билан ҳамкорлик қилиш, маҳаллий ижро органлари билан соҳага доир ҳамкорликни ривожлантириш ва уларнинг ишида ўзининг ваколатига тааллуқли масалалар бўйича катнашиш;

Бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, бошқа кўрсатмалари, Ҳукумат қарорлари, Агентлик Ҳайъати қарорлари, буйруқлари, фармойишлари, топшириқлари, бошқарма зиммасига юкланган бошқа вазифаларнинг ижро этилиши учун жавобгардир.

III. БОШҚАРМАНING ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат органларидан ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан зарур ахборотлар, ҳужжатлар ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сўраб олиш;

- мониторинг ўтказиш ва консультациялар учун келишилган ҳолда илмий ташкилотлар, давлат органлари вакиллари, мутахассислар ва экспертларни белгиланган тартибда жалб этиш, ишчи гуруҳларни тузиш;

- ўз фаолиятини таъминлаш учун муассасалар ва корхоналар ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка зид бўлмаган ташқи иқтисодий, маданий ва маърифий фаолият соҳасида хизмат кўрсатиш шартномалари тузиш, босма маҳсулотларнинг савдосини амалга ошириш;

- амалдаги қонунларга ва ушбу Низомга мувофиқ вилоят ҳудудида ўзининг қорхоналари, ташкилотлари ва фирмаларини, шунингдек, чет эллик шериклар билан қўшма қорхоналарни ташкил этиш;

- ўз ваколати доирасида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, матбуот ва ахборот соҳасидаги қонунчиликни бузаётган ҳўжалик юритувчи субъектларга ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар (тақдимномалар) бериш;

- муассиснинг Оммавий ахборот воситасини чиқарилишини тугатиш тўғрисидаги ёзма мурожатига асосан рўйхатдан ўтказувчи органнинг Буйруғига кўра мазкур Оммавий ахборот воситасининг чиқарилишини тугатиш, давлат реестридан чиқариш ҳамда унга берилган гувоҳноманинг амал қилишини тугатилган, деб топиш;

- Бошқарма Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.2. Бошқарманинг мажбуриятлари:

- ахборот бозорини доимий равишда ишлаб туришини назорат қилиш;

- қонунчилик бузилиши ҳолатлари аниқланганда, шунингдек, қонунчиликка зид ҳатти-ҳаракатлар содир этилганда ўз ваколати доирасида тезкор чоралар кўриш ва мутасадди идораларни хабардор қилиш;

- Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида, қонунчилик талабларидан келиб чиқиб бажариш;

- Бошқарма ходимларини ишга қабул қилишда меҳнат фаолияти давомида меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

- Бошқарма ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

- Агентлик томонидан Бошқармага берилган мулкдан мақсадли фойдаланиш ва сақланишини таъминлаш, шунингдек унинг беғоналаштирилишига йўл қўймаслик.

3.3. Бошқармага ахборот воситаларини цензура қилиш, таъқиқлаш ҳамда ОАВ фаолиятига ўзга тарзда аралашиш таъқиқланади.

IV. БОШҚАРМА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

4.1. Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси фаолиятига вилоят ҳокимининг тақдимномасига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори томонидан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

4.2. Бошқарма бошлиғи:

- бошқарма ишига бевосита раҳбарлик қилади ва унинг Низомида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавобгардир;

- идора ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, бошқарма мақоми доирасида ишни ташкил қилади;

- Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳайъати қарорлари, Агентлик

Бош директорининг буйруқ ва фармойишларининг бажарилишини ташкил этади ва уларнинг ижросини таъминлаш учун масъулдир;

Бошқарма бошлиғи бошқармага юклатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун:

- амалдаги қонунлар асосида бошқарма фаолиятига доир буйруқ ва фармойишлар чиқаради:

- зарурат бўлганда вилоятнинг бошқа бошқармалари ва идоралари раҳбарлари билан биргаликда кўшма хужжатлар қабул қилади;

- бошқарма масъул ходимларини, бошқармага қарашли корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлайди, тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади.

4.3. Кенгаш тузилиши ва унинг фаолияти:

Бошқармада бошлиқ, бошлиқ ўринбосари, мутасадди муассасалар, нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакилларида иборат таркибда Кенгаш ташкил этилади.

Кенгаш аъзоларининг сони ва таркиби бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланади.

Кенгаш аъзолари бошқарма фаолиятига тааллуқли асосий масалаларни кўриб чиқади, бошқарма ходимларининг ҳисоботларини эшитади, Бошқарма қарорлари ва буйруқларининг ижроси, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва бошқа масалаларни муҳокама қилади.

Кенгаш қарорлари Бошқарма бошлиғининг буйруғи билан тасдиқланади.

Кенгаш бошқарма ҳамда унинг хизмат ва бўлинмалари бажариши мажбурий бўлган қарорларни қабул қилади.

Кенгаш раиси билан унинг аъзолари ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда раис узил-кесил қарор қабул қилади, бунини ҳокимликка ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига маълум қилади. Кенгаш аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини ҳокимликка ва Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига маълум қилишлари мумкин.

27 октябрь 2009 йил